

ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тиллаволдиев Шахобиддин Ҳолдарович

Фарғона давлат университети

Ҳаарбий таълим факултети ўқитувчиси

Анваржонов Нуржаҳон Солижон ўғли

Тиллаев Омаджон Каримжон ўғли

1-курс 122-гуруҳ курсантлари

Аннотация: *Мазкур мақолада умумтаълим ўқув юртлари ва олий таълим тизимида ўқувчи ва талаба ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясини мақсад ва вазифалари, ташкиллаш ва уни олиб бориш тўғрисида сўз юритилади.*

Таянч сўзлар: *таълим ва тарбия, маънавий етук, ҳарбий-ватанпарварлик, ҳуқуқий маданият, масъулият, мафкуравий иммунитет, интеллектуал салоҳият, ижтимоий-сиёсий, миллий мерос, миллий ва умумбашарий қадриятлар.*

Бугунги кунда давлатимиз ўз ривожланиш тарихининг муҳим босқичларида турибди. Давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида тарихий ўзгаришлар жараёни давом этмоқда. Шу жумладан бундай туб ўзгаришлар, яъни ислохотлар, таълим ва тарбия жараёнида ҳам фаол тарзда амалга оширилмоқда.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, Қуролли Кучларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларни ҳарбий хизматга қизиқтириш ва фаол иштирокини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим долзарб вазифаларидан бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрдаги 348-сонли қарорига асосан, Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги Низоми”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февральдаги 140-сонли қарорига асосан мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги 369-сонли “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам айнан ватанпарварлик тарбиясига йўналтирилган.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ҳар қандай мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда, энг аввало, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш

масалалари борасида жиддий изланишлар талаб қилинади. Бу эса мамлакатда

ёшларнинг ватанпарварлик фазилатини тарбиялашда, маънавий-маърифий

ишларни янада такомиллаштириш орқали хавфсизликни таъминлашда истиқболдаги мақсадларга эришувга замин яратади.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясида ёшларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимини яратиш, уларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш, ёшларимизга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойиликни ошириш, миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этишни тизимли асосда йўлга қўйиш белгилаб олинган. Шунга кўра, ёшларимизда “Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!” деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш, диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини ривожлантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев такидлаганидек, ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини

шакллантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тўғрисидаги низомда ёшларда инсонпарварлик руҳиятини шакллантириш, уларнинг тарбиясига миллий ватанпарварлик ғояси асосида умуминсоний қадриятларни ҳамда Ватанга, жамиятга, оилага ва атроф-муҳитга муҳаббатни сингдириш ҳақида сўз юритилади.

Бизнинг фикримизча, ўқувчи ва талаба ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясининг мақсад ва вазифалари қуйидагилар бўлиши керак:

Стратегик вазифалар:

- ўз Ватанига ва халқига хизмат қилиш;
- Ўзбекистон халқларининг маданий мероси, инсонлар ва мамлакат табиатига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига садоқат руҳида тарбиялаш, унинг сафига туришга тайёр бўлиш ва Ватанни ҳимоя қилиш учун ўз жонини ҳам аямаслик;
- инсонпарварлик ғояларини тарбиялаш;
- умуминсоний одоб ва ахлоқ тамойилларини ўзлаштириш;
- ўз халқининг одоб ва ахлоқ анъаналарини ўзлаштириш ва қўллаш малакаларига эга бўлиш;
- ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий маъданиятини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларини ривожлантириш ва яратиш;
- бошқа давлатлар ва халқларнинг фуқаролари ва вакилларига ҳурмат ва байналминал руҳида бўлиш тажрибаларига эга бўлиш;
- ўз Ватани, ота-оналари ва келажак авлод олдидagi бурч ва мажбуриятларини ҳис этиш. Бу туйғу барча ҳислар, фикрлар ва фаолиятнинг ички асоси бўлиши керак;
- ўз Ватанига ҳақиқий муҳаббатни шакллантириш, унинг ривожини ва фаровонлигини учун меҳнат қилишга интилиш;
- жамоавий туйғуларни шакллантириш ва жамоавий ҳаёт малакаларини сингдириш;
- ўз Ватани ва халқининг жанговар ва меҳнат шухратини асраш, бойитиш ва унинг анъаналарига риоя этиш;
- миллатчилик, айирмачилик, террорчилик ва бошқа миллат ва элатларга беҳурмат бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш; уларнинг ўзига хос маъданиятини ҳурмат қилиш;
- ватанпарварликни маҳаллий ва бошқача тор доирада тушунишдан сақланиш;
- миллий ўзликни англаш, ўзбек тилига давлат тили сифатида ва ўз она тилига ҳурмат руҳида бўлиш;

Жорий вазифалар:

- ўз Ватанини ҳимоя қилиш, ўзининг фуқаролик бурчи ва мажбуриятларини бажариш;
- ўзининг ўқишига ва бўлажак касбини эгаллашга масъулият билан ёндашиш;
- ўз давлати тарихи ва географиясини қунт билан ўрганиш;
- Ўзбекистон халқларининг маъданий меросларини чуқур ўрганиш, асраш, тиклаш ва Ватан фаровонлиги учун маъданий бойликларни янада ривожлантириш;
- Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш, ўз халқининг одоб ва ахлоқ нормалари ва анъаналарини ўзлаштириш ва бойитиш;
- ўқувчи ва талабаларда мустақиллик, тинчлик, демократия ва ижтимоий ривожланиш учун курашишда умумий бирлик ҳисларини шакллантириш;
- ўқувчи ва талабаларнинг онги ва юриш-туришини ўз Ватани ва халқи олдидаги бурчига бўйсундириш кўникмаларини шакллантириш;
- ҳар бир ўқувчи ва талабада давлат, халқ ва ўз жамоаси олдидаги шахсий масъулият ҳиссини шакллантириш;
- ўқувчи ва талабаларда Ўзбекистон ва унинг халқи фаровонлиги учун амалий фаолиятда фаол қатнашиш эҳтиёжини ривожлантириш;
- Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожланиши йўлида талабаларнинг ижодий фаолияти учун барча шароитларни яратиш;
- ўқувчи ва талабаларда меҳнатсеварлик, онглилик, интизомлилик ва масъулият ҳиссини ва давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг манфаатига ҳурмат туйғусини шакллантириш.
- Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий равнақи учун фаол хизмат қилиш;
- кундалик ҳаёт фаолиятида ҳар бир инсоннинг миллий туйғу ва қадриятларини ҳурмат қилиш;
- бугунги ва келажак авлод учун тарих ва табиат обидаларини сақлаш ва тиклаш ишларига ўз ҳиссасини кўшиш;
- байналминаллик анъаналарини янгилаш ва бойитиш;
- ўзи таълим олаётган ўқув юртининг тарихий меросини янги ютуқлар ва маънавий қадриятлар билан янада бойитиш;
- ўқувчи ва талабалар томонидан ўз мажбуриятлари ва меҳнат интизомининг ҳар қандай кўринишдаги бузилишларга тоқатсизлик муҳитини яратиш;
- таълим муассасаси ўқитувчилари ва тарбиячиларининг таълим ва тарбия бўйича талабларининг бир хил бўлиши;
- ўқувчи ва талабаларнинг касбий фаолияти учун зарур бўлган ижодкорликни ривожлантириш учун уларни турли хил шаклдаги фаолият турларига жалб этиш;

- ўқувчи ва талабаларда миллатлараро муомала маъданиятини шакллантириш;

- ўқувчи ва талабаларда мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда ўз касбий фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш кўникмасини шакллантириш;

- ўқувчи ва талабаларда умуммиллий фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш;

- турли хил миллат вакиллари бўлган ўқувчи ва талабаларнинг ўзаро фаолияти учун зарур бўлган ўртоқлик ва ўзаро ёрдамга асосланган ижобий муҳитни яратиш;

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси умумий муаммоларининг долзарблилиги жамиятимизнинг ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясига бўлган эҳтиёжга асосланган бўлиб, у қуйидаги сабаблар билан алоҳида аҳамият касб этади:

- ёш авлод томонидан ахборот олиш имкониятини ошиши;

- деморатик ислоҳотлар жараёни ва кўппартиявийли тизимни ташкил топиши ёш авлод томонидан ватанпарварлик моҳиятини тўғри тушунишида ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиришида;

- катта авлод ўтган ватанпарварлик тарбияси мактабини замонавий ёш авлод томонидан ўтилмаганлиги;

- барча ёшлар гуруҳларини ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси билан қамраб олинмаганлиги (уюлмаган ёшлар гуруҳлари);

- ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ҳудудий тарқоқлиги;

- ўқув юртларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича ўқув-моддий базанинг етишмаслиги;

- ўқув юртларини тавсия этилган ўқув қўлланмалари ва ўқув жиҳозлари билан талаб даражасида таъминланмаганлиги;

- ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси масалаларида ўқув юртларига бириктирилган ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий қисмлар билан ўзаро ҳамкорликни тўғри йўлга қўйилмаганлиги.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Қуролли Кучларни ёшлар ўртасидаги обрўсини янада ошириш;

- барча марказий матбуот-ахборот воситалари ва телеканалларда ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича алоҳида саҳифа ва кўрсатувлар ташкил қилиш;

- давлат тарихини ватанпарварлик тарбиясига боғлаб ўқитилишига эришиш;

- талабалар ва ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси йўналишидаги фаолиятидан кенг фойдаланиш ва уни тарғиб қилиш;

- таълим муассасаларида кўнгиллилар (волонтерлик) ҳаракатларини ташкил этиш ва ривожлантириш;

- ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги бўйича марказ тармоқларини яратиш;

- чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича ўқув дастурини 136 ўқув соатига етказиш ва дастурни ҳарбий- амалий йўналишда бўлишига эришиш.

Академик Эркин Юсупов айтганидек, ватанпарварлик туғма, ирсий хусусият эмас, балки муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятда, таълим тарбия натижасида шаклланадиган маънавиятдир. У эса ўз навбатида инсонда илмий ватанпарварлик, ахлоқий теранлик, ҳуқуқий саводхонлик, бурч, ватанпарварлик масъулиятини чуқур ҳис қилиш, поклик, ҳалоллик, фидоийлик, меҳнатсеварлик, садоқатлилик сингари фазилатларни шакллантиради.

Бизнинг фикримизча, юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирларга ижодий ёндошилиб, уларни тўғри ташкиллаш ва амалга ошириш ўқувчи ва талаба ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини янада юксак босқичларга олиб чиқишга имкон яратар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси, 2018 йил, №140 сонли қарор.
3. Ш. Тилаволдиев, “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ва ҳарбий- ватанпарварлик тарбияси», услубий қўлланма, Фарғона, 2018 йил.
4. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов, «Ватан туйғуси», Т, 1996 й.
5. «Ватан ҳимояси - муқаддас бурч» Т. Ҳарбий нашриёт. 2000 й.
6. Ш.Тилаволдиев, «Ҳарбий–ватанпарварлик тарбияси асослари», ўқув қўлланма, Фарғона, 2021 й.